



Озарбайжонга сафар



Шу йилнинг 1–3 май кунлари Озарбайжоннинг Боку шаҳрида “Тинчлик ва глобал хавфсизлик йўлидаги мулоқот” мавзусида бўлиб ўтган Бутунжаҳон маданиятлараро мулоқотининг VI форумида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ҳам иштирок этди.

Муфтий ҳазратлари мазкур тадбирга Озарбайжон маданият вазири Одил Каримли ва Кавказ мусулмонлари идораси раиси Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода-нинг таклифига биноан ташриф буюрди.

БМТ альянси, ЮНЕСКО, АЙСЕКСКО, Жаҳон туризм ташкилоти ва дунёнинг турли мамлакатларидан келган динлар, конфессиялар

етакчилари, маданият соҳаси вакиллари, вазирлар, таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, давлат, жамоат арбоблари ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари қатнашган халқаро анжуман жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини яна бир бор замонавий таҳдидлар, тинчлик-хавфсизлик муаммолари, урушлар, қарама-қаршилиқлар, динлараро мurosасизлик кабиларга қаратиб, жаҳон ҳамжамиятини тинчлик-осойишталикни қарор топтиришга чақирди.

Ушбу форум доирасидаги «Динлараро мулоқот орқали ишончни

мустаҳкамлаш» мавзусида диний етакчиларнинг Боку учрашувида Муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари нутқ сўзлаб, жаҳонда тинчлик-осойишталикни қарор топтиришда дин пешволарининг ўрни ҳақида сўз юритди.

Бутунжаҳон форуми доирасидаги тадбирлар Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида давом этиб, мулоқот якунида форум қатнашчилари халқаро анжуманда кўтарилган масалалар юзасидан “Шуша декларацияси”ни қабул қилишди.

Ўз мухбиримиз

Яхшиликка чақириш



Мусулмон киши бировга сўз бердими, албатта, уни бажариши шарт. Акс ҳолда, ёлғончиға чиқади. Ёлғончилик эса, динимизда қаттиқ қораланган. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Мунофиқнинг учта**

аломати бор: сўзласа, ёлғон гапирарди, ваъда берса, бажармайди, омонат кўйилса, хиёнат қилади” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Демак, тўғрилиқ, сўзининг устидан чиқиш мўминнинг шиори бўлиши лозим. Ана шунда одамлар ўртасида бир-бирига бўлган ишонч ортади, меҳр-муҳаббат кучаяди.

Афсуски, кейинги пайтларда орамизда ваъдабоз, сўзида турмайдиганлар тобора кўпайиб бормоқда. Баъзи одамлар қоп-қоп ваъдалар бериб, вафосига эътиборсиз бўлади. Бунинг оқибатида

жамиятда турли низолар юзага келмоқда.

Баъзи одамлар таниш-билишларидан катта ваъдалар эвазига қарз олади. Аммо уни қайтариш вақти келганида турли баҳоналар ўйлаб топади. Бундай қилиш нафақат мусулмончиликка, балки одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди. Ваъдалашган одам сўзининг устидан чиқиши лозим. Мабодо уддасидан чиқолмаса, келишилган вақтга қадар иккинчи томонга узрини айтиб, хабардор қилиши керак.

3-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- ✓ 2 май. Бухоро шаҳридаги “Хўжа Исмат” жоме масжиди янги биноси пойдевориға илк ғишт кўйилди.
- ✓ 6 май. Андижон вилоятида ўтказилган “Сиз бизга кераксиз!” тадбирида “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан 100 нафар ногиронлиги бўлган ҳамюртларимизга озиқ-овқат маҳсулотлари эҳсон қилинди.
- ✓ 8 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Ироқнинг Остонадаги муваққат ишлари бўйича вакили Жобир ал-Тамимийни қабул қилди.
- ✓ 8 май. Самарқанд вилояти бош имом-хатиби лавозимида ишлаб келган Зайниддин домла Эшонкулов Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари этиб тайинланди.
- ✓ 13 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги “Кўкалдош” ўрта махсус ислом билим юртида битирувчи курс талабаларининг “Хатмона – 2024” байрам тадбири бўлиб ўтди.
- ✓ 13 май. Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлимида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари масжидлари муаззинларининг амалий машғулотли бўлди.
- ✓ 15–16 май. “Мир Араб” ўрта махсус ислом таълим муассасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари талабалари ўртасида “Баркамол авлод – 2024” спорт мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.

Мусулмоннинг қўрғони

“Аллоҳумма инний аъзузу бика минал ғажзи вал касали вал жубни вал бухли вал ҳарам ва ғазабил қобри ва фитнатид дажжаал. Аллоҳумма ати нафсий тақвааҳа ва заққиҳа Анта хойру ман заққаҳа. Анта валийюҳа ва мавлаҳа”.

Маъноси: “Аллоҳим, Сендан ожизлик ва дангасалиқдан, қўрқоқлик ва бахилликдан, ўзининг корига яролмай қоладиган даражада кексалиқдан, қабр азобидан, дажжол фитнасида паноҳ сўрайман. Аллоҳим, нафсимга тақвосини бер ҳамда уни поклагин. Зеро, Сен покловчиларнинг энг яхшисисан. Сен унинг валийси ва эгасисан”.

Золимларнинг оқибати ёмондир

“

«...Уларга берган нарсалардан бирор нарсани қайтариб олишларингиз сизларга ҳалол бўлмайди. Фақат Аллоҳ белгилаб берган ҳақларни адо этолмасликдан қўрқсалар (қайтариб олсалар бўлади). Агар уларнинг Аллоҳ белгилаб берган ҳақларни адо этолмасликларидан қўрқсангиз, аёл ўзини эридан халос қилиш эвазига бадал беришида улар (эр-хотин) учун гуноҳ йўқ. Бу ҳукмлар Аллоҳнинг ҳудудлариридир. Улардан (ошиб) тажовуз қилмангиз! Кимки Аллоҳнинг ҳудудларидан тажовуз қилса, ана ўшалар золимлардир» (Бақара сураси, 229-оят).

«Уларга берган нарсалардан бирор нарсани қайтариб олишларингиз сизларга ҳалол бўлмайди». Яъни, эр хотини билан тинч-тотув яшолмаслигига кўзи етгач, ажрашишга қарор қилса, аёлга берган маҳридан бирор нарсани қайтариб олмасин. Хотинга ҳам талоғини бериб, ҳам маҳрини қайтариб олиб, унга жабр қилмасин!

«Фақат Аллоҳ белгилаб берган ҳақларни адо этолмасликдан қўрқсалар (қайтариб олсалар бўлади)», яъни хотиннинг итоатсизлиги сабаб Аллоҳ таолонинг

белгилаган ҳуқуқлари поймол бўлиш хатари бўлса, хотиннинг молдан бирор нарсани олиш эвазига эри уни талоқ қилиши мумкин.

Бу оят Убай ибн Салулнинг қизи Жамила ҳақида нозил бўлган, дейилади. У эри Собит ибн Қайс устидан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилиб: «Ё Расулulloҳ, мен Собит ибн Қайсни хулқи ва динида айблай олмайман. Лекин унга чидаёлма-япман», дейди. Собит ибн Қайс розияллоҳу анху унинг маҳрига энг яхши молини — боғини берганини айтиб, ажралишга рози бўлмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг аёлига: «Боғни қайтариб берасанми?» деганларида аёл рози бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Собит ибн Қайс розияллоҳу анхуга: «Боғни олгин-да, уни бир талоқ қил», дейдилар. Мана шу Ислондаги биринчи хулуъ — мол эвазига талоқ қилиш эди.

«Агар уларнинг Аллоҳ белгилаб берган ҳақларни адо этолмасликларидан қўрқсангиз, аёл ўзини эридан халос қилиш эвазига бадал беришида улар (эр-хотин) учун гуноҳ йўқ». Яъни, эй ажрим масаласини кўриб чиқаётган масъуллар! Аёл ажралиш учун эрига бадал бериши (маҳрини қайтариши) ва эрнинг эса қабул қилиши (айб хотинда бўлса) гуноҳ бўлмайди. Аммо ажрим эрнинг айби билан бўлса, у ҳолда маҳрдан бирор нарсани қайтариб олиш эрга ҳалол эмас.

«Бу ҳукмлар Аллоҳнинг ҳудудлариридир». Яъни, зикр

қилинган талоқ, ражъат, хулуъ ҳукмлари — ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг ҳақларини ҳимоя қилувчи Аллоҳ таоло белгилаб қўйган чегаралардир.

«Улардан (ошиб) тажовуз қилмангиз!» Яшаб қолишингиз ҳам, ажраб кетишингиз ҳам чиройли суратда бўлсин. Бирданига уч талоқ айтиб, ишни бузиб қўйманг! Ёки ҳайз кўриб турган ҳолида ё яқинлик қилганингиздан кейин талоқ қилишга шошилманг! Берган маҳрингизни ноҳақлик билан қайтариб олманг!

«Кимки Аллоҳнинг ҳудудларидан тажовуз қилса, ана ўшалар золимлардир». Эрми, хотинми Аллоҳнинг юқоридаги ҳукмларини бузадиган бўлса, шак-шубҳасиз, ё ўзига, ёки бир-бирларига (фарзандлари, оила аъзоларига ҳам) зулм қилган бўлади. Золимларни эса ёмон оқибат кутади.

Хотини билан ажрашмоқчи бўлган эр у ҳайздан пок бўлганида, яқинлик қилмай, бир талоқ қилиши керак. Бунинг ҳикмати шуки, одатда ҳайз кунларида ёки яқинликдан кейин эрнинг хотинга бўлган рағбати бироз камаяди. Ана шундай пайтда эр осонликча талоқ айтиб юбориши мумкин. Хотинига рағбати ортиб, интилиши кучайган пайтда эса талоқ қўйиш осон бўлмайди. Шунинг учун ажрашмоқчи бўлган эр суннатга мувофиқ хотинининг покланишини кутсин, эҳтимол фикри ўзгариб қолар. Шу йўл билан у ажралиш фикрининг қатъийлигини синаб кўради. Бошқа томондан эса, бундай йўл тутиш идданинг чўзилиб



кетиб, хотинга жабр бўлиши олдини олади.

Агар ажралиш фикридан қайтса, хотинининг иддаси чиқмай туриб, унга қайтади (қайтдим дейиш ёки ушлаш, қучоқлаш, ўпиш ё яқинлик қилиш билан). Бир муддат ўтиб, ажралиш нияти яна пайдо бўлса, худди аввалигидек яқинлик қилинмаган покликда иккинчи марта талоқ қилади. Бу гал ҳам хотинидан кўнгил узолмаса, иддаси ичида унга қайтади. Шундан сўнг у хотини билан тинч-аҳил яшаши лозим. Акс ҳолда, оиласини сақлаб қололмайди.

Манбалар асосида
Азизбек ХОЛНАЗАРОВ
тайёрлади.

Ҳадис шарҳи

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шайтон учун бир фақиҳ минг обиддан кўра ашаддироқ (ёмонроқ)дир», деганлар (Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти).

Дин илмларини ўрганиб, ақида ва фикрда моҳир бўлган киши шайтон учун минг обиддан кўра хавфлироқдир. Чунки фақиҳ, яъни олим киши шайтоннинг ҳийлаларидан қандай сақланишни билади, бошқаларни ҳам огоҳ этади. Мабодо уларнинг ибодатларига шайтон путур етказиб қўйган бўлса, уларни қандай тузатиш йўллариини ўргатади ёки ундан ҳам яхшироғига йўллаб қўяди. Натижада шайтоннинг уринишлари зое кетади.

Обид эса, куну тун ибодат билан машғул, кундузлари рўзадор,

кечалари қоим бўлади. Унинг ғами — кўпроқ ибодат қилиш. Илм олишга қизиқмайди. Шунинг учун шайтон уни осонгина алдаб қўяди. Шундай васваса қиладики, обид ҳатто ибодати бузилганини ҳам сезмай қолади ёки ибодат деб қилиб юрган иши гуноҳ бўлиб чиқади.

Мазкур ҳадис фақиҳлик фазилати, шарафи, мартабасини баён қилмоқда. Бошқа бир ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Олимнинг обиддан афзаллиги худди (қоронғи тунни ёритган) ойнинг (тунни ёритолмайдиган) бошқа юлдузлардан афзаллиги кабилдир», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, дин илмини ўрганмаган кишининг ҳоли хатарлидир. Дин илмидан беҳабар киши ибодатларининг дуруст бўлишини

қандай уддалайди? Куфрнинг нима эканини билмаган киши тўғри йўлда қандай собит туради? Муҳаррамотларни билмаган киши улардан қандай тийилади? Мабодо уларни қилиб қўйса, қандай тавба қилади?

Абдулқодир Жийлоний қуддиса сирруху хилватда ибодат қилар эди. Ногоҳ хонаси нурга тўлди. Хотифдан овоз келди: «Эй бандам, Абдулқодир! Мен сендан фарзларимни соқит қилдим. Муҳаррамотларимни сенга ҳалол қилдим!» Шунда Абдулқодир Жийлоний: «Йўқол бу ердан, эй лаин! Уринишинг зое кетди!» деди. Хонани ёритиб турган нур бир зумда ғойиб бўлди. «Ҳақиқатда, илминг билан мени мағлуб этдинг, эй Абдулқодир. Мен шу йўл билан қирқ обидни адаштирганман», деди шайтон.

Дарҳақиқат, Абдулқодир Жийлоний қуддиса сирруху илми ёрдамида унинг шайтон эканини пайқаб қолди. Чунки у Аллоҳ таолонинг ҳеч нимага ўхшамаслигини ва Уни дунё ҳаётида бирор кўз кўра олмаслигини ҳамда товушлар билан сўзламаслигини яхши биларди...

Демак, диний олимлари кўп бўлган жамиятда шайтоннинг бузғунчи режалари самарасиз яқун топади. Олимлар ваъз-насихат, дарсу иршодлари билан халқни шайтонга малай бўлишдан қайтариб, Аллоҳнинг йўлига йўллаб қўядилар.

Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
катта ўқитувчиси
Фахриддин МУҲАММАД НОСИР
тайёрлади.

Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Шубҳа ва унинг жавоби

Бомдод намозидан сўнг қуёш чиққунга қадар ва аср намозидан сўнг қуёш ботгунга қадар нафл намоз ўқиш макруҳдир.

Шу ўринда бундай савол бўлиши мумкин: “Агар киши адашиб бомдодни тўрт ракат ёки асрни олти ракат ўқиса, ҳар икки ҳолатда қандаи охирида ўтирган бўлса, саждаи саҳв қилади ва унинг намози дуруст, ортиқча ракатлар нафлга айланади. Бомдод ва асрдан кейин нафл ўқиш макруҳ бўлганидан, у одамнинг кейинги икки ракати макруҳ иш қилган ҳисобланмайдими?” Бу саволнинг жавоби шуки, у икки намоздан сўнг қасддан нафл ўқиш макруҳ бўлади. Агар унутиб ёки адашиб ўқиса, макруҳ бўлмайди (“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”).

* * *

Бир киши намозни уч ракат ёки тўрт ракат ўқиганида шак қилса ва бундай ҳолат у одамда такрорланиб турса, гумони ғолиб бўлганини олади. Агар уч ракат деб гумон қилса, яна бир ракат қўшиб намозини тугатади, саждаи саҳв қилмайди. Агар гумони бирор томонга ғолиб бўлмаса, уч ракат деб ҳисоблайди ва ўтириб ташаҳхуд ўқийди. Сўнг туриб яна бир ракат ўқийди ва намоз охирида саждаи саҳв қилади (“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”).

Агар тўрт ракатли намознинг биринчи ва иккинчи ракатида нечанчи ракатлигини аниқ билмай қолса ва гумони бирор томонга ғолиб бўлмаса, иккинчи ракат бўлса-чи, деган эҳтимол билан қандага ўтиради. Сўнг туриб, яна бир ракат ўқиб қандага ўтиради. Учинчи ракатдан кейин ҳам, эҳтимол, бу тўртинчи ракатдир, деган

ўй билан яна қандага ўтиради. (Яъни, ҳар бир ракатдан сўнг қандага ўтиради ва) намоз сўнгида саждаи саҳв қилади (“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”).

Агар иккинчи ёки учинчи ракатда неча ракат бўлганини билмай қолса, гумони ҳам бирор тарафга ғолиб бўлмаса, икки ракат бўлди деб ҳисоблаб, қандага ўтиради. Учинчи ракатни ўқигач, эҳтимол, бу тўртинчи ракатдир, деган ўйда яна қандага ўтиради. Намоз охирида саждаи саҳв қилади (“Раддул мухтор”).

Изоҳ: Мазкур масала кўп шак қиладиганларга тегишли. Лекин бундай шак қилиш одати бўлмаган кишилар бу масалада намозини бузиб, қайта ўқийди (“Раддул мухтор”).

* * *

Имом унутиб тўрт ракатли намозни уч ракат ўқиб салом берганида муқтадийлар луқма берса, имом “Аллоҳу акбар” деб тўртинчи ракатга туради. Намоз охирида саждаи саҳв қилади. Агар имом учинчи ракатдан сўнг салом бергач, бирор сўз демаган бўлса, унинг ва гапирмаган муқтадийларнинг намози дуруст. Имом

салом берганидан сўнг гапирган муқтадийларнинг намози дуруст бўлмайди: улар намозни қайта ўқишади (“Раддул мухтор”).

* * *

Имом тўртинчи ракатда “Ат-таҳиёт”ни ўқигач, бешинчи ракатга туриб кетса, муқтадийлар истаса, имомга эргашишади, истамаса, эргашишмайди. Унга эргашган масбуқнинг намози бузилади (“Кабирий”).

Агар бешинчи ракатнинг саждасини қилишдан аввал адашганини англаса, қандага ўтиради ва саждаи саҳв қилади. Агар бешинчи ракатнинг саждасини қилса, яна бир ракат ўқиб, олти ракат қилади ва охирида саждаи саҳв қилиши лозим бўлади. Унинг тўрт ракати фарз ҳисобланиб, охириги икки ракат нафлга ўтади (“Фатавои Оламғирия”).

* * *

Имом охириги қандага ўтиргач, адашиб, бешинчи ракатга турганида унга иқтидо қилган кишининг намози дуруст бўлмайди (“Фатавои Оламғирия”).

* * *

Мусофир икки ракат, яъни қаср намозини ўқиш ўрнига, эсдан чиқиб тўрт ракат ўқиса, иккинчи ракатнинг қанда-сига ўтирган бўлса, унинг намози дуруст, намоз сўнгида саждаи саҳв қилади. Агар мусофир одам имом бўлиб, унга эргашувчилар муқим бўлсалар, мазкур ҳолатда унга эргашган муқтадийларнинг намозлари дуруст бўлмайди (“Раддул мухтор”).

✎ Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан



Яхшиликка чақириш

1-бетда

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизларнинг яхшиларингиз қарзини гўзал адо этадиганларингиздир”, дедилар» (Бешовлари ривоят қилинган).

Демак, қарздор қарзини эгасига ўз вақтида миннатдорлик, хушмуомалалик билан қайтариши суннат ҳисобланади. Дарҳақиқат, уни мушкул аҳволдан қутулишида ёрдам берган қарз эгаси ана шундай муомалага ҳақли. Буни қарздор яхши англаши керак. Иши битгач, қарзини қайтаришда бепарволик қилиш инсофсизлик бўлса, атайин бермай

юрадиганлар ҳақида нима дейиш мумкин?!

Яна шундай тоифадаги одамлар борки, учрашув жойини ўзи белгилайди, ваъдалашади, аммо вақтида у ерга етиб бормайди. Иккинчи киши эса, ваъдага вафо қилиб, айтилган вақтдан аввал келиб кутиб ўтиради. Ёшим бир жойга борган бўлса-да, келишилган жойга шахсан вақтида бориб турман. Афсуски, ваъдалашган кишилар навқирон эса-да, уларни кутган ҳолларим кўп бўлган.

Халқимизда бир мақол бор: “Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас”. Ҳақиқатан, одамнинг кадр-қиймати унинг лафзи — сўзининг устидан чиқиши билан белгиланади. Жамиятда ўз ўрнини топмоқчи бўлган киши учун тўғрисиқлик, ваъдасига вафодор бўлишдан ўзга йўл йўқ.

✎ Рустам ота ХЎЖАҚУЛОВ,
Нуробод шахри

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Биз буғдой олиши учун деҳқонга олдиндан пул бериб қўямиз. Ҳосил яхши бўлмай қолганида буғдой ўрнига сомон олиши мумкинми?

ЖАВОБ: Сиз қилган бундай савдо шариятимизда савдо савдоси дейилади. Савдо савдосининг шартларидан бири деҳқон пули олдиндан тўланган еридан буғдой ололмаса, бозордан келишилган сифатдаги буғдойни сотволиб, сизга беради. Айнан ўзи эккан буғдой бўлиши шарт эмас, ўша сифатдаги буғдойни берса kifoya. Шунинг учун савдо савдосида харид қилинган/сотилган нарса келишув пайтида ҳамда топшириладиган вақтда бозорларда мавжуд бўлиши шарт.

Буғдой учун пул бериб, унинг ўрнига сомон ёки бошқа нарса олиш жоиз эмас.

САВОЛ: Фарз намозда Фотиҳа сурасини замсура қилиб ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Йўқ. Агар киши адашиб, бир ракатда Фотиҳа сурасини такрор ўқиса, саҳв саждаси лозим бўлади.

Аллома Зайлаъий бундай деган: “Киши Фотиҳа сурасини бир ракатда такрор ўқиса, шаръий ҳукмга зид иш қилган бўлади. Чунки бир қиём (ракат)нинг ўзида Фотиҳани такрор ўқиш машруъ (жоиз) эмас” (“Табйинул ҳақоик”).

САВОЛ: Бизда ёш бола қўлини сувга тикиб қўйса, шу сувни нопок бўлиб қолди, тўкиб юбориш керак деган гап юради. Ҳақиқатда ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Инсон у хоҳ мусулмон ёки бошқа дин вакили бўлсин, катта ёки кичик бўлсин, агар қўлига нажосат тегмаган бўлса, сувга қўлини тикиши билан сув нопок бўлиб қолмайди. Агар қўлига нажосат теккани аниқ бўлса, қўлини тикқан сув ҳам, идиш ҳам нопок бўлади. Уламолар ёш бола (нажосат тегмаган) қўлини тикқан сувда таҳорат олишни танзиҳий (енгил) макруҳ, ундан бошқа сув билан таҳорат олиш афзал, чунки улар нажосатдан сақланишни билмайди, дейишган. Шундай бўлса-да, мазкур сувда олинган таҳорат дуруст ҳисобланади.

5-бетда

Шошқалоқлик надоматга бошлайди

Инсон бетоқат, сабрсиз яратилган. Гоҳида барча ишларнинг тақдири Аллоҳнинг қўлида эканини билгани ҳолда шошади. Аслида шошиш инсонни надоматга бошлайдиган омил ҳисобланади. Чунки шошганда айрим ҳолларда иш мукамал қилинмаса, баъзан эса охиригача ўрганилмасдан шошиб чиқарилган қарорлар ортга қайтариб бўлмас афсусларга олиб келиши мумкин. Шу боис динимиз бизларни шошишдан қайтаради.

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Шошмаслик Аллоҳдан ва шошқалоқлик шайтондандир”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти). Яъни, шайтонга эргашган банда қандай надомат қилса, шошқалоқ одам

ҳам худди шу куйга тушиши мумкин. Яна бир ҳадисда келтирилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мунзир Ашажжиг: **“Сенда Аллоҳ хуш кўрадиган икки хислат: ҳалимлик ва шошмаслик бор”** (Имом Термизий ривояти), дея марҳамат қилганлар. Инсон табиатида шошқалоқлик борлиги ҳақида Яратган Зот Қуръони каримда хабар беради: **“... (Ҳақиқатан) инсон шошқалоқ қилиб яратилгандир...”** (Анбиё сура-си, 37-оят), **“...Инсон (мана шундай) шошқалоқдир”** (Исро сура-си, 11-оят).

Тоҳо сурасининг 114-ояти каримасида эса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам шошмасликка чақириладилар: **«...Сизга (Қуръон) ваҳийси тугамай туриб, қироат қилишга шошманг ва айтинг: “Эй**

Раббим! Менга илмни зиёда эт!”»

Ҳар бир ишга уни яхшилаб ўрганиб, билиб олгандан кейингина киришимиз учун шошмасликка буюрилганмиз. Яхшилаб ўрганиш эса, албатта, вақт ва диққат талаб қилади. Шошқалоқлик инсонни пала-партиш иш қилишга ундайди. Аллоҳ эса мукамал иш қилувчиларни яхши кўради, бандаларига ҳам шуни амр этади: **“... (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради”** (Бақара сура-си, 195-оят).

Мукамал иш қилиш, яхшиликларга эришиш учун эса, албатта, шошқалоқликдан тийилиш лозим. Зеро, Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ алайҳиссалом: **«...Эй одамлар! Сокин бўлинглар!**

Яхшилик шошилиш билан бўлмас!» (Имом Бухорий ривояти) деганлар.

Демак, яхшиликка эришишни истаган банда доимо сокинлик билан иш тутиши лозим. Аллоҳ барчамизни шайтоннинг амалларидан, жумладан, шошқалоқликдан сақласин!

Абдумухтор МАМАСАЙДОВ,
Марҳамат тумани



Оила ва ёшлар

Жилов хотинга ўтса, ёмон...

Қуръони каримда марҳамат қилинади: **“Эркаклар хотинлар устидан** (оила бошлиғи сифатида доимий) **қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларни айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ор-тиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир”** (Нисо сура-си, 34-оят).

Эркак киши никоҳланиш пайтида аҳли аёли олдидаги мажбуриятини қабул қилиб олади ва оила соҳибига айланади. Аммо кейинги пайтларда айрим йигитлар эрлик бурчини эсдан чиқариб қўйишмоқда. Тушган хонадонда келинчака эри эмас, қайнона, қайнопа, қайнсингиллар “хўжайинлик” қила бошлашади. Бунга биринчи сабаб куёвнинг оила қуришга тайёр эмаслиги бўлса, иккинчи сабаб ушбу хонадонда аёл кишининг ҳукмронлигидир.

Кейинги омил ҳозирги пайтда оғриқли масалага айланган десак, хато бўлмайди. Бундай муҳит қарор топган оилада эркак аёлнинг чизигидан чиқа олмайди. Аслида тескараси бўлиши керак эмасми? Ахир бундан 50–60 йил олдин оилада отанинг айтгани-айтган, дегани-деган эмасмиди? Бирор айб иш қилиб қўйса, онамиз: “Кечкурун шу қилмишингни даданга айтиб бераман”, деса, 3–4 кун

отамизнинг кўзига кўринолмай юрардик.

Ҳозир эса айрим оилаларда “жилов” хотинларнинг кўлига ўтгандек. Ота фарзандига танбеҳ берса, она унинг ёнини олади, айб ишга қўл урса, бола-сини бу йўлдан қайтариш ўрнига, хатосини яширади. Оқибатда ўғил онасининг панасига яшириниб, ота тарбиясини олмай ўсади.

Бундай оилаларга тушган келиннинг шўрига шўрва тўкилди деяверинг. Ҳар қада-ми қайнонанинг измида бўлади. Қайнона келинни ёқтирса-ку, хўп-хўп, ёқтирмаса-чи? Бор “хунар”ини ишга солиб, келин бечоранинг бошида ёнғоқ чақади. Агар гап қайтарса, дарров ўғлидан ажратмоқчи бўлади. Айрим куёвлар: “Онам нима деса шу”, деб тураверади. Қани эркаклик ғурури, масъулияти?

Баъзан жоҳил аёллар ўғлига: “Агар хотинингни сен қўймасанг, мен қўяман”, “Хотинингдан воз кечмасанг, “она” дема, берган сутимга рози-масман”, деб зуғум қиладиган хунук ҳолатлар ҳам учрайди. Ўғил бечора кимга ён бо-сишни билмай ҳайрон. У бармоғини тишласа ҳам оғрийди, бунисини тишласа ҳам. Бу ва-зиятнинг ечими отанинг оқилона бошқаришида. Агар ота аёлини йўлга солса, жаҳолатдан тийса, қайнона-келин ўртасидаги жанжал тезда барҳам

топиб, оилада тинчлик-тотув-лик ўрнатилади. Аҳиллик бор уйга эса, хайр-барака ёғилади. Ўз навбатида, бу ҳолат ўғилга ҳам ибрат бўлиб, оилани қандай бошқариш кераклигини ўргатади.

Ўтмишда хунарли, рўзғор тебратишга қодир йигитни уйланишга тайёр, ўз аравасини ўзи торта олади, дейишган. Динимиз ҳам ўғил фарзандга ёшлиқдан бирор касбни, одамлар билан муомала қилишни ўргатишни буюради. Афсус, кўп ҳолларда ана шу олтин қоида-ни унутамиз. Оқибатда оила қурган йигитнинг на илми, на хунари, на муомала лаёқати бўлади. Кўпинча яна бир ҳолатга гувоҳ бўламиз. Куёв бўлмиш талаба, контракт асосида ўқийди, камига келин ҳам шундай. Оила қуришни кечиктириш ёки илм олишдан воз кечишга даъват қилмоқчи эмасмиз. Шундай ҳолатга мажбур бўлинар экан, ота-оналар, куёв ва келин олдиндан келишиб олишса, икки томон ёшларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмаклашишни, куёв ҳам уларга осилиб олмай, бўш вақтида ишлаб пул топишни, келин сабрни бўйнига олса, ҳаммаси осон ва силлиқ кечади. Сир эмас, кўп ҳолларда ёш оилаларда бўлаётган ажримларнинг асосий сабаблари моддий жиҳатга, қаноатсиз-ликка бориб тақалмоқда.

Умуман олганда, фарзанд-

ларимизни, айниқса, ўғилларни ёшли-гидан исломий тарбия асосида улғай-тирсак, ўзига жуфт танлаш, оилада тутадиган ўрни ва мажбуриятлари нимадан иборат эканини билиб олишади. Албатта, бунинг натижаси хайрли бўлади.

Шукур МУХСИМОВ,
меҳнат фахрийси

Назм бурчаги

Топа олмайсан

Ҳаёт сабоғи бу – ҳеч қачон қаттиқ
Қайтар эшигингни ёпа олмайсан.
Умр деганлари тотли, гоҳ аччиқ,
Отангдан яхши дўст топа олмайсан.

Қўлингдан кетса гар молу давлатинг,
Ёнингда қолмайди ҳеч бир улфатинг,
Унга ҳурматсизлик сенинг қулфатинг,
Отангдан яхши дўст топа олмайсан.

Асло тугамайди дунё ташвиши,
Ёндиради ёзи, қақшатар қиши,
Бировнинг сен билан бўлмайди иши,
Отангдан яхши дўст топа олмайсан.

Аслида не эксанг, шуни ўрасан,
Ҳатто олтмишингда ниҳол, ғўрасан,
Сабр суратини унда кўрасан,
Отангдан яхши дўст топа олмайсан.

Кимнинг боласисан – сўрар элу юрт,
Хоки пойини ўп, бўлмагин манкурт,
Чопонин этагин кўзларингга сурт,
Отангдан яхши дўст топа олмайсан.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
Бойвут тумани


“Негара” миллий мажмуаси

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдаги “Негара” миллий масжиди 1965 йили Жаллан-Султон-Химшамуддин кўчасида барпо этилган. Мазкур жоме мамлакат мусулмонлари учун Ислоннинг рамзи ва бекиёс маънавият марказидир.

1957 йили Малайзия мустақилликка эришгач, истиқлол тимсоли ўлароқ миллий масжид қуриш ғояси пайдо бўлди. Масжид мамлакатнинг биринчи бош вазири Янг Терамата Абдурахмон Путра Хаж тавсияси билан “Негара” деб номланади. “Негара” сўзи малайчада “миллий” деган маънони билдиради. Масжиднинг бундай номланиши мамлакат қон тўкилмасдан, тинчлик йўли билан мустақилликка эришгани шукронаси эди. Бино лойиҳасини малайзиялик меъморлар – Ҳишам

Албакри ва Баҳоруддин Қосим, британиялик меъмор Ховард Эшли ишлашган.

Бинонинг ташқи кўринишига Ислон бадий анъаналари руҳида замонавий безак берилган. Жоменинг катта намозхонасига бир вақтнинг ўзида саккиз минг одам сиғади. Масжид тожи юлдузсимон гумбаз билан



безатилган бўлиб, унинг ўн саккиз бурчаги Ислоннинг 5 устуни ва Малайзиянинг 13 штати рамзидир. Масжиднинг баландлиги 73 метрли минораси бор. 1987 йилда масжид таъ-

мирланиб, пуштиранг томи кўк-яшил рангга бўялди.

Мажмуа ҳудудида мамлакат озодлиги ва равнақи учун фидойи арбоблар дафн этилган “Қаҳрамонлар” мақбараси, унга яқин жойда Ислон санъати музейи ҳам бор.

Мажмуа ҳудуди 13 гектар. Жоме биносининг атрофида ажойиб боғлар ва фавворалар мавжуд. Унчалик узок бўлмаган темир йўл вокзали ёнидаги ерости йўлагидан ҳам масжидга кириб бориш мумкин. Мусулмон бўлмаганлар учун “Негара” масжиди-ни зиёрат қилиш борасида вақтга, кийинишга доир тартиб-қоидалар ўрнатилган. Жумладан, зиёратчи аёллар учун алоҳида кийимлар тақдим қилинади.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Насихат

Жаннат ёнидаги уй

Абдулҳамид дўсти билан каттиқ тортишиб қолиб, уйига таъби хира бўлиб қайтди. Эшикдан кириши билан ҳовлида ўйнаб юрган тўққиз ёшли жияни Юнус олдиға югуриб келиб, салом берди. Абдулҳамид истамайгина алик олиб, хонасига йўналди. Бола амакисининг изидан эргашиб, ҳали у-ҳали бу нарсани сўрай кетди. Абдулҳамид кўнглига ҳеч нарса сиғмаганидан жиянига бақирди. Юнус ҳеч нарса демасдан хонадан чиқиб кетди.



Абдулҳамид ёлғиз қолгач, жиянини хафа қилиб қўйганидан афсусланди. Ташқарига чиқиб, уни излади. Юнус ҳовли четида ерга тикилганча хомуш ўтирарди. Абдулҳамид ёнига бориб, елкасига қўлини қўйди ва кечирим сўради. Юнус жилмайиб деди:

— Хафа эмасман, амаки, шунчаки сизга ёмон гап айтиб қўйдимми, деб ўйлаб қолдим.

— Авваллари сени биров уришса, жаҳлинг чиқиб кетарди. Энди нега ювош бўлиб қолдинг? — сўради Абдулҳамид.

— Яқинда бир ҳадис эшитдим. Ҳақ бўлатуриб, жанжални тарк қилган кишига жаннатдан бир уй берилар экан. Ҳозир менда нечта уй бўлди, биласизми, амаки? — деди у болаларча беғуборлик билан.

Абдулҳамид елка қисди. Жияни жавоб берди:

— 853 та эди. Сиз уришганингизда ҳам жим турдим, бу 854-си бўлди.

Ичкаридан кимдир чақирган эди, Юнус югуриб кетди. Унинг гаплари Абдулҳамидни ўйлантириб қўйди: ёшгина боланинг ақли етган нарсани нега у дарров англаб етмади? Ахир ўзи ҳам бу ҳадисни эшитган эди-ку. Абу Умома Боҳилий розияллоху анхудан

ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ҳақ бўлатуриб, жанжални тарк этган кишига жаннат ёнидаги бир уйга кафилман. Ҳазилдан бўлса ҳам, ёлғонни тарк этган кишига жаннат ўртасидаги бир уйга кафилман. Чиройли хулқли кишига жаннатнинг энг юқорисидagi бир уйга кафилман”**, дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Абдулҳамид дўсти билан бўлган жанжални эслади. Тўғри, ўртоғи унинг шаънига номуносиб сўзларни айтди, лекин ўзи ҳам баҳсни тарк қилишга ҳаракат қилиб кўрмади-да. Ҳар гал ёши катталар бирор хатоси учун танбеҳ беришса, индамай гапдан қолиб, жим турар ва бунга кучи етар эди-ку. Фақат ҳурмат юзасидан эмас, аввало, ушбу ҳадисга амал қилганидан шундай йўл тутарди. Бу сафар-чи? Ғурурга берилиб кетдими ёки Расулulloх алайҳиссаломнинг сўзларини эсдан чиқардимми?

Абдулҳамид ўртовчи фикрлар ичида қовурилиб турганида жияни яна ёнида пайдо бўлди. У қувонганча Юнусни маҳкам қучиб: “Менга муҳим сабоқни ўргатиб қўйганинг учун раҳмат!” деди.

Сардор ҚУРБОНОВ

Масала

3-бетда

САВОЛ: Она ўзига: “Мендан сўрамасдан хотинингга пул берсанг, берган сутимга рози эмасман деса, фарзанд қандай йўл тутуши керак?”

ЖАВОБ: Ота-онага яхшилик қилиш ҳар бир фарзандга вожибдир. Шубҳасиз, зиммамизда ота-оналаримиз ҳақлари бўлгани каби, бошқаларнинг ҳам, жумладан, хотинларимиз, фарзандларимизнинг ҳам ҳақлари бор. Биз ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини адо этишимиз лозим. Ўз навбатида ота-оналаримиз ҳам ўзгалар ҳаққини адо этишимизга қаршилиқ қилмасликлари керак. Ҳар бир киши ўзи топган пулни тўлиқ тасарруф қилишга ҳақли. Шундай экан, киши ўзининг пулидан хотини ва болаларига сарфлаши, ҳадя қилиши мумкин.

Ота ё она ўзларининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, фарзандларига молиявий масалаларда ҳам маслаҳат бериб туришса, унга қулоқ солишлари керак. Аммо саволда айтилганидек ота-онанинг “розимасман” деган сўзи ўринсиз, яъни ноҳақ айтилган сўз бўлади.

САВОЛ: Маккага борибоқ умра қилмай, дам олиб ёки бошқа ишлар сабабли кейинроқ умра қилса ҳам бўладими?

ЖАВОБ: Ундай қилмаслик керак. Мадинадан ёки бошқа томондан Маккага умра ёки ҳаж қилиш учун эҳром боғлаб борган киши юкларини меҳмонхона ёки тайин бир жойга қўйганидан кейин тўғри Каъбага бориб, Байтуллоҳни таовф қилиши суннатдир. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай қилганлар.

“Зиёратчи юкларини қўйганидан кейин зиёратни Масжидул Ҳаромдан бошлаши керак. Агар имкони бўлса, юкни қўйишдан аввал масжидга бориш афзалдир. Кийим алмаштириш каби ишлар учун кечиктирмаслик керак. Аммо оиласи ва нарсаларига фитна ёки йўқолиб қолиш хавфи бўлса, (уларни хавфсиз жойга жойлаш учун бироз кечикишнинг зарари йўқ)” (“Фунятул носик”).

САВОЛ: Масжидга келсам, имом салом берди. Намоз тугабди деб турсам, имом саждаи саҳв қилди. Кейин мен имомга иқтидо қилиб, жамоатга қўшилдим. Бу ҳолатда тўғри йўл тутдимми?

ЖАВОБ: Сиз тўғри йўл тутгансиз. Чунки саломдан кейин саждаи саҳв қилиш билан ундан кейин ташаҳҳуд, салавот ва дуони ўқиб салом берганига қадар имом намозда ҳисобланади.

“Имом намозда бирор амални унутиб қўйиб, саждаи саҳв қилганидан кейин унга иқтидо қилган кишининг иқтидоси тўғри бўлади. Чунки имом ҳали намоздан чиқмаган ҳисобланади” (“Мабсути Сарахсий”).

6-бетда

Масала

5-бетда

САВОЛ: Сийдик учун кате-тер уланган одам қандай таҳорат олиб, қандай намоз ўқийди?

ЖАВОБ: Агар беморнинг сийдиги тинимсиз келиб турса, у соҳиби узр бўлади. Энди у ҳар бир фарз намози учун қайта таҳорат олади. Намоз ўқишдан олдин сийдик қопчасини узиб туришнинг иложи бўлса, узиб, четга қўйиб, намоз ўқийди. Агар иложи бўлмаса, ўша қопча билан намоз ўқийверади.

САВОЛ: Нафл намозларни овоз чиқариб ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Нафл намози кундузи ўқилса, кироатни махфий қилиш суннат. Кечаси ўқилса, жаҳрий ёки махфий ўқиш борасида киши ихтиёрли бўлади. Агар ён-атрофда ухлаётган ёки бошқа иш билан машғул одамларга халал бўлмаса, жаҳрий ўқиш мумкин.

“Кундузги нафл намозда кироат махфий қилинади. Тунги нафл намозда махфий ёки жаҳрий кироат қилишда намозхон ихтиёрли бўлади. Бу ҳукм фарз намозни ёлғиз ўқиётган кишига қиёслаб олинган. Чунки нафл намозлар фарз намозларни тўлдирувчи ҳисобланади. Демак, ҳукмда у билан бир хил бўлади” (“Ҳидоя”).

САВОЛ: Масжидларда айрим инсонлар муаззин то фарзга иқоматни айтгунича тик турганларини кўрамиз. Уларнинг бу иши тўғрими?

ЖАВОБ: Масжидга кирган киши иқомат такбиригача тик туриши — макруҳ.

«Бир киши масжидга иқомат вақтида кириб келса, тик турган ҳолда кутиб туриши макруҳ саналади. Балки ўтириб, муаззин “Ҳаййа алал фалаҳ”га келганида, ўрнидан туриб, намозга шуруъ қилади. “Музмарот” китобида шундай келган» (“Фатавойи Оламгирия”).

САВОЛ: Истиқомат қилиш учун иккита уйга тўлов қилганман. Биттаси ҳали битмаган. Шулардан закот бераманми?

ЖАВОБ: Иккала уйни ҳам яшаш учун олган бўлсангиз, закот бермайсиз. Агар бирини яшаш, иккинчисини сотиш ниятида олган бўлсангиз, сотиш ниятида олинган уйдан закот берасиз. Фақат уй тайёр бўлиб, калитини қўлга олмагунингизча закот чиқармайсиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Қироатлар ва қорилар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръони каримни Аллоҳ таолонинг ҳузурида қандай бўлса, шу ҳолича Жаброил алайҳиссаломдан қабул қилиб олганлар. Ўз навбатида, саҳобалар у зотдан тинглаб, хотираларига жойлар эдилар. Аста-секин саҳобаи киромлар орасида кироат бўйича кўзга кўринганлари зоҳир бўла бошлади. Усмон ибн Аффон, ҳазрати Али, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Дардо, Ибн Масъуд ва Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳум каби кироат устозлари етишиб чиқди. Улар бошқа саҳобаларга, кейинроқ эса тобеинларга Аллоҳнинг Каломини таълим бердилар.

Тобеинлар даврида Ислом кенг ёйилиб, кўплаб халқлар орасига кириб боргач, ҳар бир ўлка ўз қориларига эҳтиёж сеза бошлади.

Мадинада Ибн Масаййиб, Урва, Солим, Умар ибн Абдулазиз, Сулаймон ибн Ясор, Ато ибн Ясор, Муоз ибн Ҳорис, Абдурахмон ибн Хурмуз, Ибн Шихоб Зухрий, Муслим ибн Жундуб, Зайд ибн Аслам; Маккада Убайд ибн Умайр, Ато ибн Абу Рабоҳ, Товус, Мужоҳид, Икрима, Ибн Абу Малика; Кўфада Алқама, Асвад, Масрук, Убайда, Амр ибн Шурахбийл, Ҳорис ибн Қайс, Амр ибн Маймун, Абу Абдурахмон Суламий, Саид ибн Жубайр, Иброҳим Нахаъий, Шаъбий; Басрада Абу Олия, Абу Рожа, Наср ибн Осим, Яҳё ибн Яъмур, Ҳасан, Ибн Сирийн, Қатода ва бошқа тобеинлар кироат устози сифатида машхур бўлишди.

Юзинчи ҳижрий санага келиб, бошқа шаръий илмлар қатори кироат илмида ҳам алоҳида йўналишлар пайдо бўлди. Чунки бу вақтга келиб ажам мусулмонлари адади араблардан ортиб кетган, араблар ҳам аввалгиларига ўхшамас эди. Шу ва бошқа омиллар кироат бўйича алоҳида илмлар пайдо бўлишига олиб келди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида саҳобаи киромлар соф ва фасих араб тили соҳиби эдилар. Улар учун Қуръони каримни ўзлаштириб олиш қийин бўлмаган.

Кейинроқ кироатлар ва қорилар кўпайгач, аста-секин уларни тартибга солиш бошланди: дастлаб ўн тўрт кироат, сўнгра ўн кироат ва ниҳоят етти кироатга иттифоқ қилинди. Мазкур етти кироатнинг бир-биридан фарқи баъзи бир сўзларнинг талаффузида ва шунга ўхшаш кичик нарсаларда эди холос. Бу худди бир қанча фикҳий мазҳаблардан тўртта-си танлаб олинганга ўхшайди.

Етти кироат ва уларнинг имомлари

Амр ибн Алоъ кироати. Имом Зайён ибн Алоъ Мозаний Басрий. 154-ҳижрий санада вафот этган.

Қироат имомининг ровийлари бўлиб, унинг кироатини илмий равишда қабул қилиб олиб, бошқаларга етказишда хизмат қилади. Имом Зайён ибн Алоънинг икки ровийси бор: Даврий ва Сусий. Абу Амр Ҳафс ибн Умар ибн Абдулазиз Даврий (вафоти 246-ҳиж.). Абу Шуайб Солиҳ ибн Зиёд ибн Абдуллоҳ Сусий (вафоти 261-ҳиж.).

Ибн Касир кироати. Имом Абдуллоҳ ибн Касир Маккий. 120-ҳижрий санада вафот этган. Унинг ҳам икки ровийси бор: Баззий ва Кунбул. Баззий — Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абу Базза Маккий (вафоти 250-ҳиж.). Кунбул — Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Холид ибн Саид Маккий (вафоти 291-ҳиж.).

Нофеъ кироати. Имом Абу Рувайм Нофеъ ибн Абдурахмон ибн Абу Нуайм Лайсий. 169-ҳижрий санада вафот этган. Икки ровийси бор: Қолун ва Варш. Қолун — Исо ибн Минья Маданий (вафоти 220-ҳиж.). Варш — Усмон ибн Саид Мисрий (вафоти 197-ҳиж.).

Ибн Омир кироати. Имом Абдуллоҳ ибн Омир Яҳсибий. 118-ҳижрий санада вафот этган. Ровийси иккита: Ҳишом ва Ибн Заквон. Ҳишом ибн Аммор ибн Нусайр Қозий (вафоти 245-ҳиж.). Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Башир ибн Заквон Қараший (вафоти 242-ҳиж.).

Осим кироати. Имом Осим ибн Абу Наҷжуд Кўфий. Куняси — Абу Бакр. У кироатни Зирр ибн Хубайш ва Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳумодан ҳамда Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумонинг устози Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб Суламийдан олган. Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб Суламий эса кироатни ҳазрат Али розияллоҳу анҳудан олган.

Имом Осим Кўфада 128-ҳижрий санада вафот этган. Унинг икки ровийси бор: Ҳафс ва Шўъба. Ҳафс ибн Сулаймон ибн Муғййра Баззоз Кўфий. Куняси — Абу Амр. Имом Осимнинг ўғай ўғли. У болалигидан Қуръони карим кироатини Имом Осимдан пухта ўрганган. Ҳафс ибн Сулаймон 150-ҳижрийда вафот этади.

Айнан Имом Осимдан Ҳафс ривоят қилган кироат ҳозирги кунда бутун олам бўйлаб кенг тарқалган. Бизнинг диёримизда ҳам қадимдан шу кироат жорий бўлган. Бизнинг кироат имомимиз Имом Осим, ровийимиз Ҳафсдир.

Шўъба — Абу Бакр Шўъба ибн Аббос ибн Солим Кўфий (вафоти 193-ҳиж.).

Ҳамза кироати. Имом Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Аммора Зайят Таймий. 156-ҳижрий санада вафот этган. Ровийлари Халаф ва Халлоддир. Халаф ибн Ҳишом Баззоз (вафоти

229-ҳиж.). Халлод ибн Холид Сайрафий Кўфий (вафоти 220-ҳиж.).

Кисоий кироати. Имом Али ибн Ҳамза Кисоий. 189-ҳижрий санада вафот этган. Ровийси Абу Ҳорис ва Ҳафс Даврийдир. Абу Ҳорис — Лайс ибн Холид Бағдодий (вафоти 240-ҳиж.). Ҳафс Даврий — Абу Амр Ҳафс ибн Умар ибн Абдулазиз Даврий (вафоти 246-ҳиж.).

Баъзи уламолар мазкур етти кироатга яна учни қўшиб, ўн кироат, яна бошқалар ўнга тўртни қўшиб, ўн тўрт кироат ҳам қилишган. Аслида эса улардан бошқалари ҳам бўлган.

Бу кироатлар, уларнинг хусусиятлари, ораларидаги фарқлари ва яна шунга ўхшаш нарсалар ҳақида алоҳида-алоҳида китоблар ҳам ёзилган.

Агар кироатлар орасидаги фарқлар, асосан, баъзи бир сўзларнинг талаффузида экани эътиборга олинса, мусулмон умматининг Қуръони каримга қанчалар аҳамият берганига қойил қолмай илож йўқ. Фақат Қуръон калималарининг талаффузи учун шунчалар катта ва мислсиз ишларни амалга ошириш ҳеч бир китобнинг, ҳеч бир умматнинг тарихида бўлмаган.

Ҳозир мазкур кироатлар орасида кўпчилик қабул қилиб, амалда қолгани иккитадир: Имом Осимдан Ҳафс ривоят қилган кироат ва Имом Нофеъдан Варш ривоят қилган кироат. Биринчи кироат Ислом оламининг машриқ ва марказий тарафига тарқалган бўлса, иккинчи кироат Ливиядан то Ислом оламининг мағрибига қадар тарқалган.

Бу икки кироатнинг бир-биридан фарқли жойлари жуда кам. Мисол учун, Осим кироатида «Яа айюҳаннабийю» деб ўқилса, Нофеъ кироатида «Яа айюҳаннабийъу» деб ўқилади. Осим кироатида «Ваззуҳаа» деб ўқилса, Нофеъ кироатида «Ваззуҳеа» деб ўқилади. Қолбуки, бу сўзлар Мусҳафи Шарифда бир хил ёзилади.

Ҳар бир ровий кироатни ўз имомидан қандай эшитган бўлса, шундай нақл қилган. Бирор ҳарфнинг талаффузи ўзгаришига йўл қўймаган. Силсила шу тарзда давом этган.

Қироатни тўғри қиладиган қорига устози “ижозат” деб аталувчи ҳужжат берган. Унда устознинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ча етиб борадиган санади бўлади. Бу санад ҳар бир қорининг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга боғланишини таъминлаган. Устоз кўрмаган, Қуръони каримни ўзича ўрганиб олган ёки устоздан “ижозат” олмаганлар қори ҳисобланмаган.

Ҳасанхон ЯҲЁ АБДУЛМАЖИД,
Тошкентдаги “Ҳасанбой ота” жоме
масжиди имом ноиби



Сахийлардан сахийроқ

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху сахийлиги билан машҳур эди. Туш маҳали серҳосил боғ ёнидан ўтиб қолди. У ерда бир кул хурмоларни йиғар эди. Боғ хўжайинининг ўғли унга икки дона кулча келтирди. Хизматчи кулчаларни ейиш учун энди ўтирмакчи бўлганида тилини осилтириб, думини ликиллаб ориқ кучук келиб қолди. У бир кулчани кучукнинг олдида ташлади. Жонивор кулчани паққос тушириб, яна думини ликиллата бошлади.

Хизматчи иккинчи кулчани ҳам кучукнинг олдида ташлади ва туриб ишини давом эттирди.

Бу воқеани кузатиб турган Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху кулнинг ишидан ажабланиб, ундан сўради:

— Нима учун икки дона кулчани ўзинг емай кучукка бердинг?

Хизматчи деди:

— Одатда бу ерларда кучуклар бўлмайди. Бу жониворни боғимизга фақат очлик бошлаб келган. Шу боис кулчаларни унга бердим.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху деди:

— Энди нима қиласан?

Хизматчи деди:

— Оч ҳолда кун ўтказаман.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар деди: — Одамлар мени сахий деб билишади. Бу хизматчи мендан ҳам сахий экан.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху кулнинг хўжайини олдида бориб, уни сотиб олишини айтди. Кулнинг хўжайини:

— Нега уни сотиб олмоқчисан? — деди.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анху кўрган-кузатганларини айтиб берди ва уни сотиб олиб озод қилмоқчи ҳамда боғни ҳам унга олиб бермоқчи эканини айтди.

Кулнинг хўжайини деди:

— Сен унда биргина шу хислатни кўрдингми? Биз ҳар куни унда ажойиб ҳолатларни кузатамиз, — деди ва уни Аллоҳ розилиги учун озод қилганини ҳамда боғни ҳам унга ҳадя қилганини айтди.

Самарқанд шаҳридаги 59-сонли “Нурли маскан” мактаби ўқитувчиси
Ўткир ҲАСАНОВ тайёрлади.

Шоир Муслим ибн Валид ҳикоя қилади:

«Уйимнинг рўпарасидаги чодиримда ўтирган эдим. Бир танишим ўтиб қолди. Ўрнимдан туриб унга салом бердим ва меҳмон қилиш ниятида уйга олиб кирдим. Аммо менда сариқ чақа ҳам йўқ эди. Бор нарсам — бир жуфт пойабзалимни жориямга бериб, танишларим олдида юбордим. Уни тўққиз дирҳамга сотиб, пулига тайинлаганимдек нон билан гўшт олиб келди. Меҳмон билан овқатланиб ўтирган эдик, эшик тақиллаб қолди:

— Бу фалончининг уйими?

Ташқарига чиқсам бир киши:

— Сен Муслим ибн Валидмисан? — деди.

— Ҳа, — дедим ва меҳмоним борлигини айтдим. Қўлимга бир мактубни тутқазиб:

— Бу амир Зайд ибн Мазиддан, — деди. Мактубда: “Шояд, хузуримизга ташриф буюрсангиз, дея ўн минг дирҳам юборяпмиз”, деб ёзилган эди.

Мен уни ҳам уйга таклиф қилдим. Жориямга мева-чева олдириб, яна овқат қилдирдим. Бирга ўтириб таомландик. Бола-чақасига ул-бул сотиб олиши учун меҳмонга озроқ ҳадя ҳам бердим. Кейин Зайднинг хузурига бордик.

— Чорлаганим сабабини биласанми?

— Билмайман.

— Ўтган кеча халифанинг хузурида эдим. У мендан:

“Халифадан сўрагин Бани Музор шамширин, Жонларга ва қонларга ўт ёққан бирин-бирин.

Ҳақ йўлида букилмас, адолатдир шиори,

Халқи яшар фаровон, обод бўлур диёри... —

деган байтларни ким ёзган?” деб сўраб қолди. “Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири, бундан хабарим йўқ”, десам, у: “Шундай байтлар ёзадиган одам бўлади-ю, сен уни билмайсанми?” деди...

— Суриштириб кўрсам, уни сен ёзган эмишсан. Тайёргарлигини кўр, халифанинг хузурига борамиз!

Шундай қилиб, халифанинг олдида бордик. Унга ёзган шеърларимдан ўқиб бердим. Менга икки юз минг дирҳам беришларини буюрди. Кейин Зайд ҳам бир юз тўқсон минг дирҳам берди ва:

— Ҳадя қилишда мўминлар амирига тенглашишимиз одобдан бўлмайди, — деди.

Аллоҳ таолонинг карамини кўринки, бор-йўғи бир жуфт пойабзалини сотиб, эвазига бир меҳмон кўнглини олган киши шунча марҳамат кўрди. Ҳақиқатан, Аллоҳ таоло яхшилик қилувчилардан Ўз фазлу марҳаматини аямайди.

Шаҳобиддин ПАРПИЕВ тайёрлади.

Кичик яхшилик ҳам улкан эзгулик

Ёзининг ўртаси, кунлар ниҳоятда исиб кетган. Кекса ёшли бемор қабулимга зўрға кириб келди. Дам-бадам йўталарди. Ота-хон менга танишдек туюлди. Аммо қаерда кўрганимни ҳеч эслаёлмадим.

— Отахон, келинг, мана бу ерга ўтиринг, — деб диванни кўрсатдим. — Нима бўлди, томоқни шамоллатибсиз-ку.

Беморни кўриқдан ўтказдим. Ўпкасида сув йиғилганга ўхшайди. Демак, жарроҳлик амалиёти қилиш керак.

— Бунинг олинг... Сизга олиб келувдим, — дея отахон чўнтагидан қоғозга ўралган нарсани чиқариб олдимга қўйди. — Бори шу... Операцияга... Камига рози бўласиз. Камбағаллик курсин. Бир умр ҳаққингизга дуо қиламан.

— Ана холос! Бу нима ўзи? — сўрадим мен.

— Пул.

Беморга пулини қайтариб узатган эдим, у хафа бўлиб, шартта ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди.

— Тўхтанг! Майли... майли, беринг, — дедим шаштидан қайтариб. — Бу ёғи, отагинам, ихтиёр менда, сабр қиласиз!

Отахон жарроҳлик столида ётаркан, ҳайдовчи бўлиб ишлагани, Андижон—Тошкент йўналишида автобус бошқаргани, оиласи ҳақида гапира туриб, наркоз таъсирида уйкуга кетди. Беморга тикилиб қарар эканман, тўсатдан хотирам жонланди. Наҳот бу одам ўша олийжаноб ҳайдовчи бўлса...

Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтди.

— Камқувват бўлсам ҳам, анча тузалиб қолдим. Энди уйимга жавоб берсангиз... — деб қолди отахон бир куни.

— Хўп, фақат бир шартим бор. Олдин мана бу пулларни қайтиб оласиз, кейин рухсат бераман. Чунки сиз даволанишга пулни аввалдан тўлаб қўйгансиз! — дея пулни чўнтагига солдим.

— Нима гап ўзи? — деди хайрон бўлиб. Сўнг анча йиллар олдин бўлиб ўтган воқеани эслатдим.

...Талаба эдим. Қуруқ нон ва сувга қаноат қилиб, ўқиб юраддим. Отам эрта оламдан ўтиб кетган, бечора онам касалманд ҳолида далада ишлар, бироқ топгани жўжабирдай оиламизга етмас эди. Ёзги таътил бошлангач, уйга кетмоқчи бўлдим. Аммо йўлкарага пулим йўқ. Аллоҳга таваккал қилиб, чўнтагимдаги арзимас пул билан автобусга чиқдим. Тошкентдан жўнаган улов Андижон шоҳбекатига етиб келди. Йўловчилар туша бошлади. Мен бурчакда биқиниб, тушмай ўтираддим. Охири салонда ҳеч ким қолмади.

— Ҳой бола, тушмайсанми? Тур ўрнингдан, наmunча ухлайвермасанг! Қани, йўл ҳақини тўлаб қўй-чи, — деб ҳайдовчи тепамга келди.

Минг хижолат билан ҳайдовчига чўнтагимда борини кўрсатиб, ахволимни тушунтирдим. Ҳозир мени калтаклайди, деб ўйлардим ичимда. Шунга ҳам рози эдим. Чунки уйимизни, онамни

жуда соғингандим. Андижонга етиб келиб олганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Ҳайдовчи бироз жимликдан сўнг:

— Оббо, сен-ей, талабаман, де. Алдамаяпсанми, ҳа, кўринишинг ҳам айтиб турибди, — дея бошини чайқади. Узатган пулимни қайтариб бериб: — Менга қара, уйингга нон олиш ёдингдан чиқмасин. Онангнинг олдида қуруқ қўл билан кириб борма, — деди...

Қошларини чимирганча ерга қараб гапларимни эшитиб ўтирган отахоннинг юзи ёришди.

— Бўлса бордир, эсимда қолмаган. Баъзан бўлиб турарди. Мана, малакали шифокор бўлиб етишиб, қанча беморларга фойдангиз тегяпти. Демак, кичик яхшилик ҳам улкан эзгуликларга сабаб бўларкан, хайрли амаллардан сира тўхтамаслигимиз керак, — деди.

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ



(Охири.

Боиланиши ўтган сонда.)

Қарзнинг “ҳадя”си ҳақида

Бирор моддий манфаат ёки фойдани шарт қилиб қарз бериш мумкин эмас. Қарз беришда шарт қилинмасдан бирор фойда ёки ҳадя билан қайтариш одатга айланган бўлса, бу ҳолатда ҳам

фойдани олиш жоиз бўлмайди.

Қарз берувчи қарздорнинг ҳадясини қабул қилиши мумкинми, деган саволга уламолар бундай жавоб берганлар:

— агар ҳадяни қарз сабабли бераётганини билса, қабул қилмайди;

— ораларидаги қариндошлик ёки дўстлик сабабли ҳадя бераётганини аниқ билса, уни қабул қилиш жоиз;

— нима сабабли ҳадя бераётганини аниқ билмаса, уни қабул қилмаслик афзал.

Қарз қаерда қайтарилади?

Қарз қайси жойда олинган бўлса, ўша ерда қайтарилади. Аммо кўтариб келиш ёки йўлда талафот кўриш хавфига ўхшаш бирор ноқулайликлар бўлмаса, қарз берувчининг розилиги билан бошқа жойда қайтариш ҳам жоиз.

Аллоҳ таоло барча қарздор мўминларни қарз юкидан халос қилсин, зиммаларидаги бурчларини адо этиш бахтига муваффақ айласин.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти

Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси

доценти,

тарих фанлари бўйича

фалсафа доктори, (PhD)

Сўзлар, тиллар, маънолар

Саудия Арабистони Қироли Фаҳд ибн Абдулазиз ташаббуси билан ҳижрий 1401, милодий 1981 йили مكة — Макканинг инглизчадаги таржимаси “Месса”дан “Маккаҳ”га ўзгартирилди. Бу тузатиш Қиролликдаги барча давлат ва хусусий сектор ташкилотларида, йўл белгилари ва ҳужжатларда ўз аксини топиши борасида қорхона ва муассасалар хабардор қилиниб, янгилик матбуотда эълон қилинди.

Доктор Меърож Мирзонинг

Нега “Маккаҳ” деб ўзгартирилди?

таклифига биноан амалга оширилган бу ўзгаришга муқаддас шаҳар номи “Месса” тарзида нотўғри қўлланилгани сабаб бўлди. “Месса” сўзи инглизча талаффузда бирор фаолият ёки севимли машғулоти билан шуғулланадиган маълум бир гуруҳ ёки айрим ноҳуш жойлар номи ҳам билдиради.

“Месса” сўзи инглиз тилида 1850 йилдан бери қўлланилган ва умумий манфаатни мақсад қилган

одамларнинг фаолият маркази деган маънода ишлатилган.

Арабларда қадимдан Макка одамлар ибодатга тўпланадиган ҳаж маркази эканини ҳисобга олсак, юқоридаги маъно маълум даражада тўғри. Бироқ ҳозирги кунда “Месса” сўзи инглизчада турли комбинацияларда қўлланилиб, баъзиларининг маъноси Ислом таълимоти нуқтаи назаридан мақбул бўлса, бошқаларини ножоиз тушунчани ифода қилади.

Макка мукаррама мусулмонлар учун муқаддас ва бутун дунёга машҳур шаҳар бўлиб, ўша муқаддасликни бошқа тиллар талаффузи ва ёзувида ҳам сақлаш мақсадида Макканинг инглизчадаги таржимаси “Месса”дан “Маккаҳ”га ўзгартирилди.

Тўлқин АЗИМОВ, Тошкент ислом

институти Ижтимоий фанлар

кафедраси катта ўқитувчиси

Газетхон илҳоми

Мувашшаҳ

Ислом нури — диллар дури,
Сайқалисан, қалблар қўри.
Лоқайдликни қувиб дилдан,
Оннга безак бериб нурдан,
Маҳв этасан тунни йўлдан.
Нурафшонсан, зиё кони,
Улуғ йўлнинг чароғбони.
Рўшноликка йўл очасан,
Илоҳий нур — дур сочасан.

Ният

Оят, сура ёд олдик,
Шайтон макрин мот қилдик,
Қаъбани ният қилдик,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Тақдир қилса, борармиз,
Бошда борин кўрармиз,
Ажал етса, ўлармиз,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Учмасидан жон қушим,
Охиратдир — ташвишим,
Кекса, ёшун тенг тўшим,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Фарзанд таянч, тирагим,
Келажагим — тилагим,
Соғинч тўла юрагим,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Нури Ислом динимиз,
Ҳақнинг мўмин қўлимиз,
Дуодадир қўлимиз,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Дилим эзар гуноҳим,
Ичимда тавба-оҳим,
Мағфират қил, Аллоҳим,
Ризо бўлинг, яхшилар.

Ортда қолган изимдан,
Яхши-ёмон сўзимдан,
Еган таом-тузимдан,
Ризо бўлинг, яхшилар.


Солижон ХУДОЁРОВ,

Самарқанд вилояти Нуробод тумани

Шифо — Аллоҳдандир

Йўталга даво

Йўталдан қутулиш учун бананни пўстидан ажратиб, яхшилаб майдаланг. Кейин унга 2-3 ош қошиқ какао, бир стакан иссиқ сут қўшиб, аралаштиринг. Таъбига кўра шакар ёки асал қўшасиз. Кечқурун бу аралашмани ичсангиз, эрталаб йўтал буткул йўқолади.



Сочингиз

касалансан...

2 ош қошиқдан қатик, зайтун мойи, 1 та тухум сариғини

аралаштириб, сочларга суртинг. Сўнг уни плёнка ёки оддий сочиқ билан ўрайсиз. Камида бир соат кутгач, шампунь билан ювиб ташланг. Натижада сочларингиз соғлом бўлади.



Ажин пайдо бўлганда

Юздаги ажинларни йўқотиш учун идишга 1 дона тухумнинг сариғи, кичикроқ ярим бўлак лимоннинг суви, 1 чой қошиқ зайтун ёғи солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Бу аралашма юзга суртилгач, 20 дақиқадан сўнг ювиб ташланади.

Хотирани кучайтиради

Хотирани кучайтиришга қуйидаги чора ёрдам беради: олма қирғичдан ўтказилиб, апелсин мевасининг ярим бўлагидан шарбат тайёрланади ва улар аралаштирилади. Шунингдек, 10 та ёнғоқ мағзини қўшасиз. Сўнг 1 чой қошиқ асал солиб, яхшилаб аралаштиринг. Эрталаб ва кечқурун бир ой давомида оч қоринга бир ош қошиқдан истеъмол қилинг.



Қандли диабет қийнаса...

3 ош қошиқ майдаланган лавия пўстлоғига 1 пиёла қайноқ сув қуйилиб, 10 дақиқа паст оловда қайнатилади. Қайнатмани докдан ўтказиб, ҳар гал овқатланишдан олдин 2 ош қошиқдан ичсангиз, қандли диабетга шифо бўлади.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Ислом нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Salohiddin SHERXONOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi:
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIIDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent — 100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: To'liq SHERNAYEV
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 10.05.2024
Xulosa (№03-07/3023) olindi: 17.05.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU boshmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/10-buyurtma.
Boshmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!